



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 25 август, чоршанба

№ 69 (11.664)

Эркин нархда сотилади

Мустақиллик
15 йил



Мукофотлар
топширилди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловни ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Батанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган маъруза танлов Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ўзбекистон уюшмаси раиси Абдулла Орипов мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилган маъруза танловда адабиёт, журналистика, тасвирий санъат, дизайнлик соҳасида фаол иштирок этаётганини таъкидлади. Бундай танловлар мустақиллик йилларида ёришган улкан ютуқларимиз, ватандошларимиз ҳаёти ва тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар, миллий мафкура ва истиқлол ғояларини бадний талқин этиш имконини бераётди.

Тадбирда «Энг улуғ, энг азиз» танлови ғолиб ва совриндорларига эъдилик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» кўргазма-ярмаркаси очилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган бу кўргазма Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан ташкил этилган.

«Ўзэкспомарказ»да кузги кўргазма мавсумини мамлакатимиз экспорт ва инвестиция салоҳиятини акс эттирувчи кўргазмадан бошлаш аниқ айланди. У жадал ривожланган Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришларнинг яққол намоиши ҳисобланади. Айни пайтда ҳар йилги кўргазма ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Жорий йилнинг 2 сентябргача давом этаётган кўргазма-ярмарка 3000 квадрат метр майдонда жойлашган бўлиб, унда республикаимизнинг барча бурчақларидан 200 дан ортиқ корхона, фирма ва компаниялар маҳсулотини намоиш этилмоқда. Бирок уни аввалгиларидан ажратиб турадиган жиҳат фақат экспозиция майдонининг катталиги ва қатнашчилар гео-

графиясининг кенглиги эмас. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган маҳсулотлар кўргазмадан кенг ўрин олган.

Жорий йилнинг 14 январидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ маҳаллийлаштириш даражаси, ишлаб чиқариш-техник ва ис-

теъмол учун қўлланадиган материаллар ва буюмларни маҳаллийлаштириш лойиҳалари тасдиқланди. Бундан ташқари дастур лойиҳалари амалга оширилган корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари учун қўшимча рағбатлантирувчи омилга айланиши керак. Дастурининг амалга оширилиши импорт саломогини анча қамайтириш ва икки йил давомида миллиярд доллардан ортиқ маблағни тежаш имконини беради.

Кўргазмада енгил, фармацевтика sanoati маҳсулотлари,

автомобиллар учун бутловчи қисмлар, мебель, гиламлар, машинаш ва аудио-видео техника, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун усунулар, сувни тозалаш тизимлари, турли халқ истеъмоли моллари ва бошқа нарсалар тақдим этилган.

500 квадрат метр оқик майдонда «ЎзДЭВавто» акционерлик жамияти автомобиллари, «СамКочАвто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси автобуслари, спорт усунулар, қурилиш материаллари ва богдорчилик асбоблари намоиш этилмоқда.

Бу товарларнинг ҳаммаси нафақат Ўзбекистон ишбилармон доираларида, балки чет мамлакатлар бизнес вакилларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев иштирок этди.

Ж. РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.



Дала неъматлари — шаҳарликларга

Юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрибди. У шаҳар ва қишлоқларнинг катта-кичик хибобларида, гузарларда, байрам иншоотлари очилаётган жойларда намоён бўлмоқда.

Вилоят ҳокимининг фармойиши билан Тошкент шаҳри аҳолисини картошка, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида байрам арафасида пойтахтнинг Бектемир ва Миробод туманла-

рида ташкил этилган ярмаркаларда бўлсангиз, бу руҳни ажқол хис қиласиз. Ярмаркалар Бектемир туманининг «Водник» бозори, Миробод бозори ёнидаги Авлиё ота кўчаси бўйлаб ташкил этилди. У 20 августда бошланиб, бутун байрам кунларини қам-

раб олади ва 10 сентябргача давом этади. Бу ярмаркаларда виллоятимизнинг ширкат, деҳқон ва фермер хўжалиқларида етиштирилган ноз-неъматлар билан савдо қилинмоқда. Умуман, байрам савдосида шаҳар аҳолисига 550 тонна картошка, 1940



тонна сабзавот маҳсулотлари, 770 тонна мева-узум, 215 тонна қовун-тарвуз, кўп миқдорда гўшт маҳсулотлари ва асал этказиб бериш кўзда тутилмоқда.

Байрам ярмаркалари, шунингдек, Ангрен, Охангарон, Олмалик, Бектемир, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ҳам ташкил этилди. Сабаботкорлар ва богдонларимиз бу

саноат шаҳарлари меҳнаткашларига кўп миқдорда дала ва бог неъматларини етказиб бераётганлар.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳрида ташкил этилган ярмаркалардан баъзилар.

Еркебой ЛОТЧИРОВ олган суратлар.

Вилоят ҳаёти

Аҳоли эҳтиёжи учун

Юртимизнинг Истиқлол байрами арафасида Қибрай туманида аҳолига қатор қулайликлар яратувчи маиший хизмат ҳамда савдо шаҳобчалари иш бошламоқда.

«Май» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда тадбиркор М. Маҳмудов сармоёсини ҳисобидан бунёд этилган маҳалла гузари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гўшт дўкони маъмуסי қишлоқ аҳолига байрам совғаси бўлди.

Туман марказида фойдаланишга топширилган сўт маҳсулотлари билан

савдо қилувчи дўкон ҳам айнан аҳоли талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида қурилди. Муродиёлла Умаров бошчилигидаги «Мурод» фермер хўжалигига қарашли савдо шаҳобчасида айни вақтда ўн турдан зиёд сифатли сўт маҳсулотлари мавжуд.

Лазиз НИЁЗОВ.

Финал Самарқандда бўлади

Зангиота туманидаги «Эшонгузар» қўргонининг «Эшонгузар» маҳалласи футбол жамоаси «Футболмиз келажаги» турнирининг 15-16 ёшли ўғил болалар ўртасидаги бахсларида ўтган йилги натижаларни такрорлайдиган кўринад.

Яқинда улар Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жиззах вилоятлари маҳалла футбол жамоалари иштирокидаги худудий бахслардан ҳам ғалаба қозониб қайтишди.

Энди «Эшонгузар» жамоаси сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган республика финалида виллоятимиз шарафини ҳимоя қилади.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 26 август кўни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 август кўни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 26 август кўни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 25 август кўни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

• Кучли давлатдан — кучли жамият сари

Ягона мақсад йўлида

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари тахририятида сиёсий партиялар виллоят ташкилотлари вакилларининг давра суҳбати бўлиб ўтди

Ҳар бир кўн жамиятни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим босқич бўлиб қолган жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеа — навбатдаги чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари виллоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлажак сайловларга яқинлаштирилмоқда. Сайловларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги шундаки, мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилади, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенат сайланади. Сиёсий партияларнинг парламент ва ҳокимият вакиллик органларида кўпроқ ўрин

эгаллаш учун бошланаётган кураш фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириб, фаоллигини кўчатирилмоқда. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари тахририятида беш сиёсий партиянинг виллоят кенгашлари раҳбар ходимлари иштирокидаги давра суҳбати ҳам мамлакатимиз сайлов қонунчилигида вужудга келган янги асослар, бу йилги сайловларга тайёрларлик ва уни ўтказишда сиёсий партияларнинг ўрни ва фаолияти масалаларига бағишланди.

Давра суҳбатиди Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Тошкент виллоят кенгашининг иккинчи котиби Маҳмуд Тоиров, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент виллоят кенгашининг биринчи котиби Турғун Эргашев, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент виллоят кенгаши раисининг ўринбосари Абдураззоқ Отахонов, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси виллоят кенгашининг ижрочи директори Хайринисо Мирзахонова, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси Тошкент виллоят кенгашининг иккинчи котиби Орифжон Нортуровлар иштирок этишди.

(Давра суҳбати материалларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).



• Тадбир

Истиқлол ва маънавият

бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир

Охангарон туманидаги Қорахтой қишлоғида бўлиб ўтган давра суҳбатиди шу мавзу доирасида баҳс-мунозара юритилди. Виллоят маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда сиёсатшунослар, маърифат ва маънавият соҳаси ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этдилар.



Тадбирда асосан Ўзбекистоннинг жаҳонда тугган бугунги ўрни, иқтисодий салоҳияти, жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган терроризм балосига қарши курашда Ўзбекистон танлаган йўл, ўзбек зиёлиларининг ёшлар маънавий қиёфасини шакллантириш соҳасидаги вазифалари каби мавзуларда сўз борди. Эркин мулоқотда қатнашган ёшлар ўзларни қизқитирган барча саволларга жавоблар олдилар.

Қуйида давра суҳбати иштирокчиларининг айримлари билдирган фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

(Давоми 3-бетда).

• Бетга айтганининг заҳри йўқ

Биз индамасак, ким индайди?

Виллоятимиз аҳли Мустақиллик байрамини кенг нишонлаш тараддуиди. Шаҳар ва туманларимизда бу санага катта ҳозирлик кўриломоқда. Худудлар ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштириляпти, янги-янги бинолар, иншоотлар фойдаланишга топшириляпти. Жойларга бориб, ана шу тайёрларлик ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ва лавҳалар билан қайта-яппиз, газетамиз саҳифаларида уларни мунтазам ёритиб турибмиз. Олмалик шаҳрига ҳам шу мақсадда йўл олгандик. Аммо...

Шаҳарга кирарканмиз, бир ҳафта муқаддам бу ерда умумхалқ хашари ўтказилганига ишонгимиз келмасди.



Шоҳлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган дараклар, ахлат уюмлари тўпланиб ётган кўчалар, қаровсиз бинолар ҳақидаги қайдларни ён дафтарларимизга ёзиб, уларни суратга тушириб бораёلمиз-у, кўзни қувонтирадиган манзараларга ҳам дуч келармиз деган илинж бизни тарқ этмайди. Шу аснода «Интизор» кўчаси бўйлаб юра бошладик. Қачонлардир «Қурувчи» номи билан машҳур бўлган маданият саройи олдида 5-6 киши катта тўроқ уюмида лой қориб, қолипларда хомгишт қуяётганининг устидан чиқиб қолдик. Чор-атрофнинг бари гишт билан қопланган. Кўча эмас, гишт заводининг ховлиси дейсиз гўё.

(Давоми 3-бетда).

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

ХАЛҚ ИЧИГА
КИРИБ, ХАЛҚҚА
ТАЯНИБ

Махмуд Тоиров,
Ўзбекистон Халқ-демократик
партияси Тошкент вилояти
кенгашининг иккинчи котиби.

— Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг вакиллари маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида, мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларида, фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва турли жамоат ташкилотларида иш олиб бориб, жамиятда кенг тармоқли ислохотларнинг амалга оширилишида фаол қатнашмоқдалар, юрт мустақиллиги

НИЯТИМИЗ —
АДОЛАТЛИ
ЖАМИЯТ ҚУРИШ

Турғун Эргашев,
Ўзбекистон «Адолат» социал-
демократик партияси
Тошкент вилоят кенгашининг
биринчи котиби.

— Давлатимизнинг бугунги тараққиёт даражаси ва истиқболдаги вазифалари олдимида янги-янги вазифалар қўймоқда. Улардан бири мамлакатимизда демократияни ривожлантиришдир. Умумхалқ референдуми 2002 йилнинг январь ойида икки палатали парламент бўйлаб муҳим аҳамият касб этаётганини тасдиқлади. У Ўзбекистонда иж-

лат мезонларига амал қиламиз. Унинг бузилишига йўл қўймаслик ҳаракатида бўламиз. Халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, жамиятда адолатни қарор топтиришни партияимизнинг сайловолди сиёсатида устувор йўналишлар деб ҳисобламоқдамиз.

ОДАМЛАР
ЭХТИЁЖИГА
ҲОЗИРЖАВОБЛИК


Абдураззоқ Отажонов,
Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати —
Ўзбекистон Либерал-
демократик партияси
Тошкент вилоят кенгаши
раисининг ўринбосари.

теллекул тайёргарлигига жуда катта талаблар қўйилмоқда. Шунинг назарда тутиб, биз ҳозирданок муносиб номзодларни танлашга, уларни кўрсатиб, парламентга ҳамда халқ депутатларининг турли даражадаги кенгашларига ўтказиб олишга имкон берувчи платформани ишлаб чиқмоқдамиз. Менимча, барча сиёсий партиялар, сайловолди кампаниясида иш бошлайдиган ташаббускор гуруҳларнинг мақсади Олий Мажлисга вилоятимиздан ўтадиган 12 депутат ниҳоятда вақолатли бўлишига эришишдир.

ҚАДРИЯТЛАР —
ЮКСАЛИШИМИЗ
ҚАНОТИ

дек, унда ҳар хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади.

Сайловолди ишларимизда биз партияимизнинг аёллар ва ёшлар қанотларини фаоллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Зеро, аҳолининг мана шу икки қатлами ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётда тобора салмоқли ўрин эгаллаб бормоқда. Шунинг хисобга олиб, биз салоҳиятли аёллар, билимдон, собит, ўз Ватанига садоқатли ёшларни депутатлик номзод қилиб кўрсатиш мақсадини ўз олдимида қўйганмиз.

ШУ АЗИЗ ЮРТ
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Турғун ЭРГАШЕВ,

Орифжон Нортўраев,
Ўзбекистон «Фидокорлар»
миллий-демократик
партияси Тошкент вилояти
кенгашининг иккинчи
котиби.


— Ҳозир бизнинг асосий эътиборимиз парламент ва халқ депутатлари вакиллик органларига бўлажак сайловларга муносиб тайёргарлик кўриш ва уни фаолликда ўтказишга қаратилган. Сентябрь ойининг охирида дастурий вазифаларига ўз аниқликларини киритади. Қурултой қабул қиладиган янги низом ва дастур асосида ўз ҳаракат йўсинимизни янада пухталаштириб оламиз.

Мен бугун эътиборни баъзи ахлоқий-маънавий жиҳатларга қаратмоқчиман. Бу ўринда бўлажак сайловларда сиёсий одоб масаласини кўзда тутаяпман. Тўғри, бу сайлов кампаниясида ҳар бир сиёсий партия Олий Мажлис ва вакиллик органларида кўпроқ ўрин эгаллаш учун курашади, рақобатда бўлади. Бу — табиий, қонуний ҳолат. Аммо, шунинг унутмаслигини керакли, қайси партияга мансуб бўлмайлик, сиёсий одоб-ахлоқни биринчи ўринга қўймоғимиз зарур. Зеро, ҳар биримиз шу азиз юрт — Ўзбекистон фарзандларимиз. Бу замин — унда яшовчи барча миллат ва элатларнинг вакиллари учун ягона. Шу Ватани асраш, авайлаш — барча фуқаролар учун, барча сиёсий ва ижтимоий кучлар учун фарзандлик бурчи. Шунинг ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Давра суҳбати иштирокчилари сайлов комиссияларининг ишлари ташкил этиш, депутатликка номзодларни кўрсатиш ва улар билан сайловчиларнинг учрашувларини уюштириш, сайлов кунини ҳар бир фуқаро қонун ўзига берган имкониятлардан фойдаланиб, ўз ҳуқуқларини эмин-эркин намоён этиши, сиёсий партияларни молиялаштириш сингари бир қатор долзарб муаммоларни ҳам тилга олишди. Давра суҳбати эркин фикрлашув, ягона мақсад йўлида ҳамкорликка интилиш руҳи остида ўтди.

Жўрабек МУРОДОВ ёзиб олди.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ягона мақсад йўлида



Махмуд ТОИРОВ

барқарорлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга тайёргарлик мобайнида шаҳар ва туманларда, олис-яқин қишлоқларда, меҳнат жамоаларида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларимизни ҳар қачонгидан кенгайтиришга ҳаракат қилаямиз.

Партияимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида шунинг айтишнинг мумкин, бугун у фақат вилоятимизнинг ўзига 42 мингга яқин аъзони бириктириб турибди. Ҳар йили вилоят партия ташкилотимиз сафларига 2 мингдан зиёд янги аъзо қабул қилинмоқда. Меҳнат жамоаларида, баъзи ҳудудларда иш олиб бораётган ташкилотларимиз 1425 тага етиб борди. Вилоят партия ташкилотимизнинг беш вакили мамлакатимиз Олий Мажлисида, 142 вакили халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида фаолият кўрсатмоқда.

Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, партия ташкилотларимиз ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш борасида қизғин иш олиб бораётимиз.

Маълумки, бу сайловнинг ташкилий жиҳатлари ўзига хос. Вилоятимизда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 12 та округ тузилиши мўлжалланмоқда. Биз ҳар бир сайлов округи бўйича ўз номзодларимизни кўрсатиб, Олий Мажлисда партияимизнинг ишчан гуруҳини ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Шу билан бирга сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда партияларнинг иштироки ҳам алоҳида ўрин тутди. Биз ўтган сайловлардаги тажрибага асосланиб, шу кунларда партиянинг сайловолди платформасини мукамаллаштирмоқдамиз. Бу борадаги барча савий-ҳалқатарафли мамлакат мустақиллигини сақлашга, турли миллатларнинг тотувлиги, баҳамжияти ва жамиятдаги барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.



Абдураззоқ ОТАЖОНОВ

тимой тараққиётнинг янада ривожланиши учун қўлай шароит яратиб, фуқаролар билан давлат ўртасида ҳақиқий мулоқот воситасига айланади. Шу сабаб партияимиз бўлажак сайловлардан ўзининг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниятидадир.

Аслини олганда ҳокимият учун курашиш ва бу курашда устунликка эришиш ҳар бир сиёсий партиянинг бош мақсади ҳисобланади. Шу ўринда ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланиб шунинг таъкидламоқчиманки, сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат давлат истиқболи, мамлакат тараққиёти учун зарур ва ягона тўғри сиёсат шаклланишига хизмат қилади. Мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида ният ҳокимиятга интилиш пайдо бўлаётгани, бу тобора амалий тус олаётгани муҳим ижобий ҳодисадир.

Бизнинг партияимиз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир пайтда умуминсоний кадриятларга асосланиб социал-демократик қарашлар ва ғояларни илгари сурмоқда. Улар партияимизнинг шу кунларда қиёмига етказилаётган сайловолди платформасида ўз ифодасини топаётди. Партияимизнинг бугунги бош мақсади мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишловчиларнинг боришига, ҳуқуқий, демократик, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга ва, пирваридида, Ўзбекистонимиз жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олишига самарали ҳисса қўишидан иборатдир. Бу жараёнда биз адо-



Хайринисо МИРЗАЖОНОВА

— Бу ерда айтилганидек, ҳокимият учун кураш сиёсий партияларнинг сайловолди мақсади. Биз шу кунларда ўзини белгилаб олаётган сайловолди дастуриимизда, айтилик, Тошкент вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округ бўйича партияимиз аъзолари ва тарафдорлари номзодини кўрсатиш ва сайловларда муваффақият қозонишни бош вазифа деб ҳисобламоқдамиз. Мақсадиимиз битта — Ўзбекистонимизни ишончли ҳимояланган мустақил, халқаро миқёсда обрў-эътиборли қўриш. Бунга эса умумхалқ фоллиги, унинг чин маънодаги унумли ва самарали меҳнатисиз эришиб бўлмайди. Бинобарин, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш барча партиялар учун муҳим масаладир. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, мақсади йўлида собит, оқилона йўлни танлаган халқни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди. Пировард мақсада эришиш, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар сафига кўриш йўли эса сиёсий партиялар учун турлича. Унга ҳар бир партия ўзи танлаган йўл ва воситалар орқали боради. Бу йилги сайловларнинг мутлақо бошқача ҳусусиятга эга эканлиги, ҳокимият структураси бу жараёнда чиққанлиги партияларга ўзининг омма ўртасидаги таъсирини кучайтиришга имкон бермоқда.

Жамиятда турли ислохотларни рўёбга чиқаришнинг муҳим қонунийлик асослари тақомиллаштирилаётган бир пайтда Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайланувчи шахснинг ин-



Орифжон НОРТЎРАЕВ

Хайринисо Мирзанонова,
Ўзбекистон Миллий тикла-
ниш демократик партияси
вилоят кенгашининг ижрочи
директори.

— Шу йилнинг май-июнь ойларида вилоятимиз шаҳар ва туманларида партияимиз аъзолари билан учрашув ўтказиб, яқинлашиб келаётган сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш мобайнидаги мақсадларимизни аниқлаб олдик. Фуқаролар билан учрашувларда ўз мақсадларимизни ишончли ҳимояланган мустақил, халқаро миқёсда обрў-эътиборли қўриш. Бунга эса умумхалқ фоллиги, унинг чин маънодаги унумли ва самарали меҳнатисиз эришиб бўлмайди. Бинобарин, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш барча партиялар учун муҳим масаладир. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, мақсади йўлида собит, оқилона йўлни танлаган халқни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди. Пировард мақсада эришиш, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар сафига кўриш йўли эса сиёсий партиялар учун турлича. Унга ҳар бир партия ўзи танлаган йўл ва воситалар орқали боради. Бу йилги сайловларнинг мутлақо бошқача ҳусусиятга эга эканлиги, ҳокимият структураси бу жараёнда чиққанлиги партияларга ўзининг омма ўртасидаги таъсирини кучайтиришга имкон бермоқда.

Жамиятда турли ислохотларни рўёбга чиқаришнинг муҳим қонунийлик асослари тақомиллаштирилаётган бир пайтда Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайланувчи шахснинг ин-

Давра суҳбати иштирокчилари сайлов комиссияларининг ишлари ташкил этиш, депутатликка номзодларни кўрсатиш ва улар билан сайловчиларнинг учрашувларини уюштириш, сайлов кунини ҳар бир фуқаро қонун ўзига берган имкониятлардан фойдаланиб, ўз ҳуқуқларини эмин-эркин намоён этиши, сиёсий партияларни молиялаштириш сингари бир қатор долзарб муаммоларни ҳам тилга олишди. Давра суҳбати эркин фикрлашув, ягона мақсад йўлида ҳамкорликка интилиш руҳи остида ўтди.

Жўрабек МУРОДОВ ёзиб олди.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

МАМЛАКАТ
ҲАЁТИ

Юрт осойишталиги учун

Республика Ички ишлар вазирлигининг навбатдаги ҳайат йиғилишида асосий эътибор мустақиллик шодиёналарининг осойишта ўтишини таъминлашга қаратилди.

Байрам кунларида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан Ички ишлар вазирлигининг барча бошқарма ва бўлимларига махсус вазифалар белгилаб берилган.

Йиғилишда байрам кунлари жамоат тартибини сақлаш учун қўшимча гуруҳлар ташкил этилганлиги, улар махсус режа асосида иш олиб бораётганликлари эътироф этилди. Жумладан, тадбирлар бўлиб ўтаётган майдонлар, овқатланиш шохобчалари, савдо расталарининг ёнғинга қарши ҳолатлари кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда.

Йиғилишда мамлакатимизда олиб борилаётган террор, тозалаш каби тадбирларнинг натижалари кўриб чиқилди. Республикага террорчилик

ҳаракатларини содир этиши мумкин бўлган шахсларнинг кириб келишига, қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи ва заҳарли моддалар, диний экстремистик руҳдаги адабиётлар ва бошқа тақиқланган буюмларнинг олиб қилинишига йўл қўймаслик учун барча патрул хизмати масканлари, милиция блок постларида қўшимча куч ва воситалар жалб этилиб, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик ўрнатилганлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларига кириш жойларида, аэропортларда, темир йўл ва автобус шўх бекатларида назорат текширув тадбирлари кучайтирилди. Шунингдек, йиғилишда ички ишлар идоралари олдида турган бошқа масалалар ҳам муҳофиза қилинди.

А. ҒАФҒОРОВ,
«Туркистон-пресс».

Янги шифо маскани

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги арафасида Чиноз туманининг Т.Эрназаров номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.



Янги шифо маскани замонавий tibbiy asbob-uskunalar

билан тўлиқ жиҳозланган. Умумий амалиёт шифокори, акушер-гинеколог, педиатр, хирург, стоматолог, физиотерапевт, ДОТС ва эмлаш хоналари, кундузги стационар аҳоли хизматида. Шифохона беш мингдан зиёд кишига хизмат кўрсатади.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Енгил саноат
моллари ярмаркаси

Шайхонтоҳур туманида енгил саноат моллари туркумига кирувчи товарларнинг кузги-қишки турлари ярмаркаси очилди.

Сотува «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзбекчарм-поябзали» уюшмалари, турли жамият, корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган юздан ортиқ турдаги маҳсулот қўйилган. Ярмарка ўзимизда тайёрланаётган товарларнинг ички бо-

зорда муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилади. Айни пайтда ушбу мавсумий савдо ярмаркаси Самарқанд, Қарши, Наманган, Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилди.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎЗА мухбири.

Ҳамжиҳатлик —
тинчлик асоси

Пойтахтимизда «Ҳамжиҳатлик — улугъ неъмат» мавзусида адабий-бадиий анжуман бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Республика Байналмилал маданият маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилди.



Анжуманда сўзга чиққанлар миллий истиқлол ёнғинида овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қўришдек буюк мақсадлар мумассам эканлиги таъкидланди. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамламоғимиз зарур. Миллатлараро тоғувлик, бағрикенглик ана шу барқарорлиқнинг муҳим шартларидандир.

Мустақилликнинг илк йилларида ҳам мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар

да бағрикенглик, ахиллик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан олиб борилаётган узокни кўзловчи сиёсат бугунги кунда бутун дунё томонидан эътироф этилмоқда.

Дийримида яшаётган, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, овоз ва фаровон ҳаёт барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётди.

Анжуманда юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари бадиий жамоаларининг концерти намоиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Коллежлар
кўпаймоқда

Мустақиллик байрами арафасида Тўйтепа шаҳрида 900 ўринли ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Унда ёшлар компьютер ва офис ҳисоблари ўрнатиш ҳамда таъмирлаш, компьютерларни дастурлаш, бухгалтерия ҳисоби, молия, банк иш, халқаро бизнес йўналишлари бўйича таҳсил олади.

Компьютер ва лингафон синфлари, спорт зали ва майдончаси, ошхона, юз ўринли ётоқхона ва кутубхона талабалар ихтиёрида. Коллежга ҳужжат топширган 1200 абитуриентдан 450 нафари янги таълим муассасасида билим олиш имконига эга бўлди.

Паркентдаги агросаноат, Чирчиқдаги олимпиада захиралари, Қиёрадаги молия-иқтисодиёт ҳамда маъиш хизмат йўналишидаги касб-хунар коллежлари ҳам янги ўқув йилида илк бор талабаларни ўз бағрига олади.

Бу йил вилоятда саккизта ана шундай замонавий ўқув маскани бунёд этилди. Шу билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари сони 75 тага етди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

"RESPUBLICA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI" МЧЖ

Сизларни 2004 йил 28 сентябрь ва 5, 12, 19, 26 октябрь соат 12.00да

ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Охангарон тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган «Увак» қишлоқ фуқаролар йиғини «Облик» аҳоли пунктида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,04 гектар бўлган 226 та ер майдони.
Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 37120 сўм.

2. Охангарон тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган «Увак» қишлоқ фуқаролар йиғини «Облик» аҳоли пунктида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,06 гектар бўлган 226 та ер майдони.
Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 55680 сўм.

Ушбу ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари олдинги аукцион савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган қўчмас мўлк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр қўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.
Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

2004 йил 16, 18, август кунлари ўтказилган биржа савдосида Қиёра, Юқоричирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳри ҳудудида жойлашган 10 та нодавлат қурилиши тугалланмаган қўчмас мўлк объектлари жами 3.150.000 сўмга сотилди. Чирчиқ шаҳри ва Қиёра тумани ҳудудида жойлашган 4 та нодавлат қўчмас мўлк объектлари жами 19.471.000 сўмга сотилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.08.2003 йилдаги 368-сонли Қарори талаби асосида савдоларда бир ой мобайнида бошланғич нархда қўйилиб, сотилмаган тақдирда ҳар бир савдо сессиясидан 5 % миқдорда камайтириш шарти билан савдога қўйилган Тошкент вилоят архитектура ва қурилиш бошқармасига қарашли бўлган лойиҳа бўлими давлат объекти 1.000.000 сўмга сотилди.

ДИККАТ! 2004 йил 27 июль кунини бўлиб ўтган аукцион савдосида сотилган, Зангиота тумани, «Мустақиллик» ширкат хўжалигида жойлашган сатхи 0,04 гектар бўлган 2 та ер майдонининг савдо натижаси бекор қилинди ва 2004 йил 7 сентябрь кунидан бошлаб қайтадан аукцион савдосига чиқарилади. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 370 800 сўм.

• Тadbир

Истиқлол ва маънавият

бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сийёсий шарҳловчи.

— Мустақил Ўзбекистоннинг жaxon ҳамжамиятида эришган нуфузи ҳақида сўз кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёнинг кўпгина мамлакатлари бизга ҳар томонлама қизиқади, ҳар соҳада ҳамкорлик қилишга интилади. Айни кунда 167 давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Юртимизда 32 мамлакатнинг элчихоналари фаолият олиб бораётган бўлса, 52 мамлакатда Ўзбекистоннинг ваколатхоналари очилган.

Бугунги кунда турли мамлакатлар билан оғир ва енгил саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа бир қатор соҳаларда йўлга қўйилган тенг шерикликка асосланган ҳамкорликлар самараси ҳақида узоқ гапириш мумкин. Аммо бундай фойдалар алоқалар узлуksиз ва самарали давом этиши учун тинчлик, осойишталик зарур.

(Давом. Боши 1-бетда).

Минг афсуски, сўнгги йилларда терроризм балоси дунё халқларининг тинчлигига раҳна солмоқда.

Фаластин, Исроил ёки Ироқдаги ҳозирги воқеалар, кўшн Афғонистонда 20 йилдан зиёд давом этиб келётган нотинчликлар охири оқибат халқларнинг қашшоқлашувига олиб келмоқда.

Ўзбекистон терроризм бош кўтара бошлаган кезлардаёқ унинг қандай кўпуровчи куч эканлигини теран англаб етган ва бу борада ўзининг аниқ йўлини белгилаб олган. Ўзбекистон демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан қайтмайди.

Аммо, ўзининг ўзагининг қирқиб турса, ёмон таъсир қиларкан. Эндилда ўз-ўзини портлатиб, халқнинг кўнглига гулгула солмоқчи бўлаётганлар бошида кимлар турганию, чет элда қандай раҳнамолари борлиги ҳамага аён.

Ана шундай кўпуровчиликлар пайтида хотиржам яшаш, юртни бамайхотир ривожлантириш мумкинми?

Жаҳон бозорига бемалол чиқиб бўладими?

Ўзбекистон очик денгиз орқали океанга чиқиш учун иккита давлатдан ўтиши лозим. Шулардан бири — Афғонистон. Демак, бу давлатнинг тинчлиги Ўзбекистон учун ҳам жуда зарур.

Шу боис кўпуровчилик ҳолатларини кураб қилиб олган гуруҳларга қарши ҳам-жаҳатликда курашмоқ зарур. Буни айниқса ёшлар теран англамоқлари лозим. Зеро, келажак ёшлар қўлида.

Халима
ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ
шоираси.

— Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ёшларнинг онг ва дунёқарашини шакллантиришда халқ зиёлиларининг ўрни, айниқса, муҳимдир.

Шоир ҳар бир мисрасида, ёзуви ҳар бир жумласида, ўқитувчи ҳар бир дарсида истиқлол, унинг қадр-қиймати, тарихий

аҳамияти ҳақида ёш авлодга тушунтириб борар экан, улар руҳияти ана шу маърифат булоғи билан сугорилaveraди.

Мен бун, айниқса, оналар зиммасидаги масъулият деб биламан. Улар ватанга муҳаббат, элга садоқат туйғуларини ўз фарзандлари қалбига оғишмай сингдириб бормоқлари лозим. Зеро, бугун жамияти-мизда аёлларга кенг ўрин берилётгани бежиз эмас.

Паскал «Бизга тарбияланган оналарни беринглар, биз сизларга даҳоларни берамиз» деган эди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, эл-юрт хизматиға муносиб баркамол авлоднинг тарбиялаб етиштириш, аввало, оиладаги оналар тарбиясидан бошланади. Аслида инсондаги маъна-

Эркин суҳбатлар жараёнида иштирокчилар яна кўплаб мавзуларда ўзларининг ўй-хаёллари, фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Энг асосийси, улар айтган ҳар бир фикр, ҳар бир гоя замирида Ватан, юрт, халқ тақдирига бефарқ эмасликлари ва қалбларида нурли келажакка катта ишонч борлигидан далолат бериб турарди.

вий комиллик ҳам шу даргоҳнинг мевасидир.

Жамила НОМОЗБЕКОВА,
уй бекаси.

— Ҳозир аёллар ҳақида сўз кетди. Уларнинг маънавияти, фазлу камолоти жамият тараққиёти билан бўйланди. Бу ўз-ўзидан қизларнинг, бўлажак ёш оналарнинг ҳам тарбиясига бевосита боғлиқ деб ўйлайман. Назаримда ана шу масала бугун биров оқсаётгандек. Буни уларнинг юриштириш, кийиниши, муомала маданияти ва бошқа жиҳатларида кўриш мумкин.

Яқинда телеэкран орқали «Зулфия» мукофоти совриндорларидан бирини кўрсатишди. Очигини айтганда, унинг муомаласи, билдираётган фикрлари, кийиниши ва бошқа баъзи ҳаракатлари соҳтадек туюлди. Айтмоқчиманки, эски замондан қолган сон кетидан қувиш қусуридан ҳали ҳам халос бўлолмаяпмиз, чоғи? Майли, бир йилда ўнга эмас, бир қиз мукофот олсин. Аммо, у ҳақиқий «Зулфия» номиға муносиб бўлсин. Токи бугун Ўзбекистон ёшларига айниқса, қизларга ўзининг иқтидори, одоби, ўфати, кўрки, юксак маънавияти билан ўрнат бўла олсин.

Тадбир ўтказишдан мақсад, ёшларни соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, илвий муносабатларни мустаҳкамлаш, миллий аънавларни сақлашга ўргатиш ва турли миллий фарзандлари ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Таъкидлаш керакики, Соғлом авлод учун ҳамғармаси Меҳр ва муруват йилида баркамол шахсни шакллантириш, кам таъминланган оилалар фарзандларини ҳамда етим болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпгина хайрият тадбирларини ўтказиб келмоқда.

Жумладан, яқинда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комис-

Равшан РУСТАМОВ.

Тарбиячиларнинг кўмакдоши

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабга тарбияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, болаларнинг ўқиш ва ўрганишга илк кўникмаси бошда шаклланади.

Халқ таълими вазирлиги мактабга таълим муассасалари раҳбарлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ўқув-методиқа маркази айна шу мақсадга хизмат қиладиган 15

қўлланмани нашрдан чиқарди. Марказда мактабга таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида ўтган тақдирот маросимида қўлланмаларни амалиётда татбиқ этиш масалалари ҳақида сўз борди.

Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан Бўстонлик туманидаги «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Соғлом турмуш тарзи» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Соғлом турмуш тарзи учун

Тадбир ўтказишдан мақсад, ёшларни соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, илвий муносабатларни мустаҳкамлаш, миллий аънавларни сақлашга ўргатиш ва турли миллий фарзандлари ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Таъкидлаш керакики, Соғлом авлод учун ҳамғармаси Меҳр ва муруват йилида баркамол шахсни шакллантириш, кам таъминланган оилалар фарзандларини ҳамда етим болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпгина хайрият тадбирларини ўтказиб келмоқда.

Жумладан, яқинда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комис-

сиясининг жорий йилдаги тадбирлар режасига мувофиқ, «Ёшлар ва жамиятнинг барқарор тараққиёти» мавзусида болаларнинг халқроқ ёзи оромгоҳи ташкил этилди. Унда ўзбекистонлик ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа республикаларидан 170 нафар ёшлар қатнашди.

Семинарда Республика Саломатлик институтининг мутахассислари ОИТ ва ГИХВАНЛИКНИНГ ОДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТРЕНИНГ МАШГУЛОТЛАР, «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида суҳбатлар ўтказилди.

Алишер АЗИМОВ,
«Туркистон-пресс».

Чувалачи — Тошкент туманининг энг гўзал қишлоқларидан бири. Боғ-роғлари, доимо яшнаб турадиган экинзорлари дилларга ҳўзур бағишлайди, кўзларини қувонтиради.

Қишлоғимизга 1982 йили ёш иқтисодчи мутахассис Ботир Тўлаганов Тошкент халқ ҳўжалиги институти йўлланмаси билан ишга келди. Алишер Навоий номидаги жамоа ҳўжалигида ҳисобчи, иқтисодчи, кейинроқ касаба уюшмаси раиси, ҳўжалик раиси муовини лавозимларида ишлади. Туман ҳўқимлиги қишлоқ мўйсафидлари билан кенгашиб, уни ҳўжалик бошқаруви раислигига тавсия этди. Янги раис ишни одамларнинг кўнглини кўтаришдан, қишлоқни ободонлаштиришдан бошлади.

Раҳбар ҳўжалиқнинг ҳамма соҳаларидан хабардор бўлиши керак. Қишлоқ ҳўжалик иқтисодиёти Ботирнинг қадрдон соҳаси, бу муаммоларни ҳал қилиш осон, лекин деҳқончиликчи?

Маълум бўлишича, у қишлоқ ҳўжалик экинларини экиш, парвариш қилиб, мўл ҳўсил олиш йўлларини ҳам, боғ ишларини ҳам тушунар экан. Янги раҳбарнинг одамларга нисбатан жонқурлиги, ғамхўрлигини кўрган деҳқонлар сидқидил меҳнат қилиб, яшн даромад ола бошлади. Моддий манфаатдорлик деҳқон гайратига гайрат қўшди.

Деҳқончиликда тартиб-интизом яхшилангач, ёш раис қурилиш ва ободончиликка, ижтимоий соҳага эътиборни қучайтирди. Унинг раҳбарлигида ҳўжалик марказида хотира мажмуаси, замонавий қишлоқ врачлик пункти, болалар боғи — аква-парк қурилди. Қишлоққа юқори босимли газ қувурлари тортилди, чекка маҳаллаларда қудуқ қазилиб, аҳоли ичимлик сув билан таъминланди. Кўркам бинолар, равон кўчалар Чувалачига беқийс гўзаллик бағишлади...

Кунлардан бир кун автобусда бир танишимни кўриб қолдим. Аслида чувалачилик бу одам мусофирчиликда она қишлоғини, ёру биродарларини соғинганини айтиди.

— Ука, кўп азият чекибсиз, бундан кейинги режаларингиз қандай? — сўрадим ҳамроҳимдан.

— Билмадим, — деди.

— Раҳмонқул, эртага қишлоқ марказида учрашайлик. У ернинг диққатга сазовор жойларини кўрсатай сизга, дарға билан таништирай, масқулим?

— Маъқул, — деди Раҳмонқул хурсанд бўлиб, — дарға дедингизми?

— Ҳа. Ширкат ҳўжалиги раҳбарини биз дарға деймиз. Ажойиб инсон, иқтидорли олим. Ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилгани учун ҳўжалик эски қарзларидан қутилди.

Эртасига марказда учрашдик. Зияратни Гўлтена маҳалласидан бошладик.

Гўлтена — ҳўзир қишлоқнинг энг обод маҳаллаларидан. У билан идора оралиғида Келес дарёси томон йўл бор. У ерда замонавий поликлиника қурилган. Уни кўрган, ундан намуна олган бошқа туманлардан ҳам келишади. Ҳамма ҳавас қиладиган жой-да. Янги поликлиникина эга сеvimли шифо маскани бўлиб қолди. Ботир Тўлаганов хайрли ишларни тадбиркорлик билан давом эттирмоқда. Шу боис халқ уни ҳўрмат қилади.

— Машаққатли меҳнат эвазига эришган ютуқларимиз билан бирга камчиликларимиз, қилинадиган ишларимиз ҳам кўп, — дейди Б. Тўлаганов. — Юртбошимиз XXI аср билим, тафаккур асри деб, таълим-тарбияга алоҳида эътибор бермоқдалар. Юқори ва паст участкаларда бошланғич чактаб, кутубхона қуриш ниятимиз бор. Эскича дунёқараш билан ашаб бўлмайди. Инсон манфаатини, қадр-қийматини, эркинлигини таъминлаш орқали унинг фаоллигини оширишга ҳаракат қиляпмиз. Халқимиз меҳнатқаш, соддадил, бир-биридан меҳр-муруватини аямайди. Ана шундай қишлоқ билан бамаслаҳат ишлаб, мустақиллигимизнинг 13 йиллигини янги ютуқлар билан нишонламоқчимиз. Меҳр-муруват бор ерда, омад ўз оёғи билан келади.

Убайдулла БОЗОРОВ.

• Бетга айтганнинг захри йўқ

Биз индамасак, ким индайдим?

Суриштириб билсак, айни пайтда мазкур бинода шаҳар марказий маданият уйи жойлашган экан. Гишлар мазкур муассаса биносини таъмирлаш учун тайёрланаётган бўлса керак деган ўй билан ичкари кирдик. Маданият саройи эшигидан кирaverишда тахланган цемент тўла қопларни, ён тарафда қурувчи усталар «ётоқхона»си учун ўрин-кўрпа тўшалган тор хонани кўриб, тахминимиз тўғрилиғига ишончимиз ошди. Ана ҳолос, наҳотки, шундай бинони хомғишт билан таъмирлашмоқчи?



Таширфимиздан маданият маркази раҳбари Турсунной Исмиёминова хабар топибди чоғи, ичкаридан пешвоз чиқиб келди.

— Опа, катта қурилиш бошлаб юборибсизми? — гап қотамиз ўзимизни таништиргач.

Муассаса бекаси негадир индамасди. Бизни ичкарига бошлади. Ўз-ўзидан суҳбатимиз яна қўрилиётган қурилиш тадиротиға тақалди. Т.Исмиёминова гапни бошқа ёққа бураётгандек бўлди:

— Узоқ йиллардан бери шаҳар марказий маданият уйига

дик. Ие, бу ёғи қизик бўлди-ку! Янги уй-жой тиклаётган ўзга бир қилиш ҳе йўқ, бе йўқ маданият уйи эшиги остига гишт қуйдирса, давлат муассасаси биноси ичига қурилиш ашёларини бемалол жойласа, ўзи ёллаган ишчилар учун бу ерда «ётоқ» очса... Нима, шаҳар бедарвозами? Мушугини биров «пишт» дейлмайдиған бу одам ким? Суҳбатдошимизнинг саволимизга истамайгина берган жавобини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдик:



раҳбарлик қиламан. Шу йиллар ичида тўрт марта турли жойга кўчдик. Охири мана шу эски маданият саройидан кўним топдик...


— Ҳароб бинони ўз қучингиз билан қўлбола усулда таъмирлаш учун гишт қуйдирётган экансиз-да?

— Йўғ-ей, бу гишлар ҳам, цемент-у, усталар ҳам рўпарада иморат қураётган одамники...

Бундай жавобни эшитиб, лол қол-

Олмалиқлик санъатсеварлар билан мулоқотлар чоғида юқоридagi суҳбатдошимиз фаолияти билан боғлиқ яна бир тафсилотни эшитишди-у, табиатан ана гайратли, шаддоқ деб таърифланаётган бу аёлнинг биз билан нега йиғилишганига гаплашаётганининг сабабини тушунадек бўлдик.

Шаҳарда ўтаётган Наврўз байрами тантаналарида Т. Исмиёминова шогирдлари миллий руҳ билан йўрилган дастурни намойиш этадилар. Улардан сўнг даврага чиққан қизларнинг таши



қўрилишлари, хатти-ҳаракатлари эса, ҳеч қандай одоб меъёрларига тўғри келмайди. Бунга нисбатан кескин эътироз билдирган маданият уйи раҳбари дунёқарашини торликда, қоқоқликда ва ... миллийликда айблайди, ўзини ва у бошчилик қилаётган жамоаларни шаҳарда ўтадиган барча байрам тантаналаридан четлатишди, ишдан бўшашига ариза ёзишга ундашди...

Тўғри, Турсунной Исмиёминова ҳам букса сичиб кетадиган аномалардан эмас экан. Синоатлардан ранжиб, шаҳарнинг энг катта раҳбари ҳўзурига олганибди, ичидagi дардларини унга тўкиб солмоқчи бўлибди. Афсуски, ниятиға етолмабди. Уч бор муножаат қилишига қарамай, ҳўқим уни қабул қилмабди.

Четдан эшитганимиз бу тафсилотни баён этишдан мақсад нима? Шаҳар марказий маданият уйи олдидаги ўзбошимчиликлар, соҳа мутасаддисининг ўз тобелигидаги муассасасга бегисанд муносабатда бўлиш каби иллатлар илдизи ана шу манбалардан озик олмайтирмики? Ҳар қалай, бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрса арзийди.

Юқорида айтганимиздек, шаҳарга буткул бўлачка мақсад ва кайфиятда келган эдик. Аммо, аҳолини кўриб, индамай, қўл силтаб кетишни ўзимизга эп қўрмадик. Қолаверса, журналистлик вайронимиз бунга йўл қўймади. Турсунной Исмиёминованинг «бу ҳақда ёзмай қўя қолинглар, бари ўткинчи нарсаси, шу ернинг ўзида ҳал бўлади», деган гаплари ҳам бизга эриш туюлди. У индамасе, биз индамасак, ким индайдим?

Олмалиқдаги ушбу манзаралар, ҳўлатлар ҳўсусида шаҳар ҳўқимлиги нима деркин? Вилоят маданият ишлари бошқармасининг бу борадаги фикри қандай? Биз улардан жавоб кутиб қоламиз.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махўс муҳбири.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан) «Қурувчи» маданият саройида ана шундай манзаранинг зўвоҳи бўлдики — эски бино, янги қурилган гишлар ва ёллаган усталар; маданият саройидан жой олган цементли қоп тахталари; шаҳар кўчаларидаги ахлат уюмлари.

Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

Қўлланмаларда болаларда Ватанга муҳаббат ҳўсини тарбиялаш, спортга ҳавас уйғотиш, тил ўрганишга қизиқтириш билан боғлиқ муҳим жиҳатларга кенг эътибор қаратилган. Китоблар нафақат тарбиячилар, балки ота-оналарга ҳам яқин кўмакдош бўлиши мумкин.

Хўлқар СОДИҚОВА,
ЎЗА муҳбири.

Биржанинг янги биноси

Ўзбекистон Республикаси Қўчмас мулк биржаси янги биноси очилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Аскарлов мазкур биржа 1994 йилда Президент Ислам Каримов Фармониға мувофиқ, давлат мулкни очик аукцион, танлов ва биржа савдолари орқали сотиш, юртимизда мулкдорлар синфини шакллантириш мақсадида ташкил этилганлигини таъкидлади. Эндилда биржа мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ишлорларни, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳўсусийлаштириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланди.

Ўтган йиллар давомида тизимда ташкил этилган очик савдоларда салкам 92 минглард сўмлик қарийб 152 мингта қўчмас мулк сотилди. Саксон мингдан зиёд давлат объекти нодавлат мулк шаклиға айлантирилди. Ўтказилаётган савдолар нафақат маҳаллий, балки хорижий сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Барча қулайликларға эга янги бинонинг очилиши республика ҳудудида иш юритаётган брокерларға савдоларда бир вақтда ва тенг шароитда иштирок этиш учун янада кенг имконият яратди, — деди Республика қўчмас мулк биржаси бошқаруви раиси А.Имомалиев. — Аҳборот марказида ҳар бир миқдор биржада доир барча зарур маълумот ва тушунтиришлар олиши мумкин.

ЎЗА.

Япониянинг беғараз кўмағи

Тошкентда Япония ҳўкумати-нинг кичик миқёсдаги лойиҳаларға беғараз кўмағи йўналишида наватбади грант шартномаси имзоланди. 157,5 минг АҚШ долларини миқдоридagi маблағ Тошкент вилоятидаги урта умумтаълим ўрта мактабни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга ажратилди.

Япония элчихонаси матбуот котиби Нодира Мўхаммадқуловани айтишича, бу тадбир Япония ҳўкумати-нинг кичик грантлар ажратиш юзасидан апрель ойида бошланган янги молиявий йилдаги дастлабки кўмағи ҳўсўланади.

Айни пайтда экспертлар эътиборига турли лойиҳалар бўйича грант ажратиш учун 170 дан зиёд бюрутмалар ҳавола этилган, — деди Н. Мўхаммадқулова. — Ҳар йили Ўзбекистондаги Япония элчихонасига 400-500 та бюрутма тушади.

Н.Мўхаммадқулованинг таъкидлашича, жорий йил бошидан буён Япония ҳўкумати Ўзбекистонда тўқизта ижтимоий лойиҳани амалга ошириш учун 500 минг долларга яқин маблағ ажратди. Шу йил январда урта мактабга ва 1-Тошкент тиббиёт институти-нинг клиникасига 281,5 минг доллар маблағ берилган эди. Февралда икки мактаб, Меҳрибонлик уйи ҳамда ёш аёллар марказига 193,2 минг доллар, март ойида Тошкент давлат иқтисодиёт университети-теги қоишдаги қадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказига 24,3 минг доллар маблағ тақдим этилди.

Кўнқар мамлакат ҳўкумати-нинг беғараз ёрдам йўналишидаги грантлари Ўзбекистонга 1995 йилдан бошлаб ажратила бошланган. Дастлабки тўрт йилда кичик миқёсдаги грантларни молиялаштириш 4-6 та объект билан, тақдим этилаётган маблағлар миқдори 200-400 доллар билан қифояланган бўлса, 2000 йилдан бошлаб лойиҳалар сони 26 тага, жами маблағ миқдори 1 миллион долларга етди. Кейинги йилларда беғараз ёрдам миқдори тобора ошиб бори. Ўтган тақвим йилида қарийб 1 миллион долларлик 15та лойиҳа амалга оширилди. Ўзбекистонда кичик миқёсдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ўтган вақт мобайнида жами 8,5 миллион доллар маблағ сарфланди.

Т. АЛИМУХАМЕДОВ,
«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

Чиноз туманида ўрни бўш бўлган хўсўсий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳўқуқини берувчи лицензияға эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади.

Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.

Хўрматли тадбиркорлар ва ҳўсўсийлаштирилган корхона аъзолари!

Сизға шуни маълум қиламизки, 2003 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасида «Ишонч телефони» ташкил этилиб, ишға туширилди.

Сиз 136-06-28 телефон рақамини териб, корхонанинг иш фаолиятига юқори ташкилотларнинг (ассоциация, вазирлик, компания, ҳўқимият ва ҳ.к.ларни) асоссиз аралашганликлари тўғрисидаги ахборотни беришингиз мумкин. Ахборот берувчи сир сақланади.

«Ишонч телефони» ҳар куни (шанба, яшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти.

(Давом. Боши 1-бетда).

Илмий-амалий семинар

Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтида экологик мувозанатни сақлашда қушларнинг ўрнига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда олимлар, мутахассислар, табиатни муҳофазалаш идоралари, овчилик хўжаликлари, қўриқхоналар ходимлари иштирок этди.

Табиатда барча мавжудотлар каби қушлар ҳам муҳим ўрин тутди. Аммо, кейинги йилларда тобора кўпайиб, талай муаммолар туғилишига сабаб бўлаётган майна (афгон қуши) биологиясини чуқур ўрганиш талаб этилаётди.

Юртимизнинг кўпгина ҳудудлари,

айниқса, шаҳарларда бу қушлар сони кескин ортгани билан атрофни ифлослантириб, қишлоқ хўжалигига, жумладан, узумчилик ва боғдорчиликка жиддий зиён етказмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 июндаги фармойишига мувофиқ, юртимиздаги овчилик хўжа-

ликлари томонидан бу қушларнинг сонини муайян даражада камайтириш мақсадида бир мунча ишлар амалга оширилаётди. Шунга қарамай, улар тез кўпаймоқда.

Семинарда мазкур қушларнинг яшаш, кўпайиш ва озикланиш тарзини ҳар томонлама ўрганиш, сонини бошқариш масаласи билан боғлиқ маърузалар тингланди. Бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Ў.А.

«Ҳиндистон маликаси»

Замонавий ҳинд модельерлари маҳсулотларига рангларнинг аниқлиги, шакллар бойлиги ва жозибдор соддалик каби хусусиятлар хосдир. Бу кийимларга бутун дунёда талаб катта, улар алоҳида оёқлар учун ҳам, кундалик ҳаётда ҳам ярайди.

Мамлакатимиз пойтахти аҳолиси ҳам Ҳиндистоннинг етакчи дизайнерларининг сўнгги тўпламлари билан танишиш имкониятига эга бўлди. «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Ҳиндистон маликаси» модальер намоиши бўлиб ўтди. Унда мазкур мамлакат кийим ва тақинчоқлари та-

рихий тараққиёти кўрсатиб берилди. Эксклюзив шоу модальер намоишлари бўйича таниқли агентлик «Media Makers» компанияси томонидан Тошкентдаги «Каравон» арт-галереяси мутахассислари билан биргаликда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон мада-

ний алоқалар кенгаши кўмағида ташкил этилди. Етакчи ўзбек модельерлари, мато ишлаб чиқарувчилар, анъанавий каштачилар ва заргарлик бўйича халқ усталари ҳамда республикада фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари, мода санъати илосмандлари байрам меҳмонлари бўлишди.

Бундай ҳинд модаси байрами Марказий Осиёда биринчи марта ташкил этилди.

Ў.А.

«Ниҳол-2004» Ғолиблари аниқланди

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти санъат йўлига дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларнинг учун самарали ижод ва изланишга даъват этувчи ўзига хос омил бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

«Ниҳол» мукофоти соҳиблари юртимиздагина эмас, балки халқаро миқёсдаги танловларда, мусика фестивалларида муваффақият қозонмоқдалар.

Бу йил ушбу мукофотга тавсия этилган саксондан зиёд номзоднинг ижодий имкониятини ҳар томонлама ҳолис кўриб чиқилди. Му-

стақиллигимизнинг ўн уч йиллик байрами арафасида улардан энг муносиблари ана шу мукофотга лойиқ топилди. Улар орасида Дилфўз Аҳмедова, Лола Аҳмедова, Павел Упоров, Улугбек Юнусов, Дилноза Исмиёмова, Феруза Жуманиёзова, Шерзод Давронов, Гулсанам Мамазоитова каби ёш санъаткорлар бор.

Таъдбирида «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ў.А.

• Халқ табobati

Мойчечак

Мойчечак — жуда хушбўй ҳидли бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Поляри якка-якка бўлиб, тўғри ўсади. Аксари жуда шохлаб кетади, ичи ғовак. Гуллари — оқ рангда, меваси — кўнгир-яшил тусли, чўзинчоқ уруғли. Май ойдан бошлаб, кузгача гуллайди.

Бу ўсимлик ўрта Осиёда бўш ётган ерлар, далалар ҳамда йўл четларида учрайди. Ундан табобатда тинчлатиладиган, талвасаларга, яллиғланган маҳалларда, қорин дам бўлганида буюрилади. Яраларни ювиш, ванналар, клизма қилиш учун у сирта ҳам ишлатилади.

Тайёрлаш усуллари:
1. Қуритилган гулларини кукун қилиб, овқатдан кейин бир соат ўтказиб туриб, 1-2 граммдан ичилади (мигрень — бош оғриғи маҳалида).
2. Мойчечак гулларидан бир ош қошиқ олиб, устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади ва ярим соат дамбаб қуйилганидан кейин сузиб олинади. Иссиқ ҳолида овқатдан олдин 1/3 стакандан ичилади.
3. Қуритилган гулларидан бир ош қошиғи 1,5 литр сувга солинб, 5 дақиқа қайнатилгач, сузиб олинб, бош ювиладиган, кейин, сочларни бақувват қилиш учун чайилади.

Бундан ташқари даммаси гастрит, антерит, антероколит, меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллиғи, жигар, ўт пуфаси, буйрак, қовуқ яллиғланган маҳалларда, қорин дам бўлганида буюрилади. Яраларни ювиш, ванналар, клизма қилиш учун у сирта ҳам ишлатилади.

Тайёрлаш усуллари:
1. Қуритилган гулларини кукун қилиб, овқатдан кейин бир соат ўтказиб туриб, 1-2 граммдан ичилади (мигрень — бош оғриғи маҳалида).
2. Мойчечак гулларидан бир ош қошиқ олиб, устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади ва ярим соат дамбаб қуйилганидан кейин сузиб олинади. Иссиқ ҳолида овқатдан олдин 1/3 стакандан ичилади.
3. Қуритилган гулларидан бир ош қошиғи 1,5 литр сувга солинб, 5 дақиқа қайнатилгач, сузиб олинб, бош ювиладиган, кейин, сочларни бақувват қилиш учун чайилади.

ДИҚҚАТ! ҚИДИРУВ

Чиноз тумани Эски-Тошкент қўргони Азимов кўчаси 11-уйда яшовчи 1980 йилда туғилган Джалолов Марлен Нариманович 2004 йил 20 август соат 6.00 ларда уйдан Камаз-5511 русумли, давлат белгиси 11 АР-231 автоуловиди Сирдарё вилоятидан кум ортиб, Тошкент шаҳрига сотгани олиб кетиб бедарак йўқолган.

Белгилари: миллати татар, бўйи тахминан 180 см., озгиндан келган, юзи чўзинчоқ, кўзлари жигарранг, бурни қиравурун. «Яхши» кишилар унга бу иш жўн битмаслигини уқтиришди. Лақама аёл ёрдам сўраб, Ангийўл технология институтиди коллежсининг кимё ўқитувчиси Феруза Қурбоновага

Матлуба МАХМУДХУБАЕВА тайёрлади.

• Қилмиш-қидирмиш

Ўқитувчи — фирибгар

Янгийўл туманининг Ниёзбоз кўшалоғидаги бир аёл нуридийдасини ўқийга жойлаштиришмоқчи бўлди. «Яхши» кишилар унга бу иш жўн битмаслигини уқтиришди. Лақама аёл ёрдам сўраб, Ангийўл технология институтиди коллежсининг кимё ўқитувчиси Феруза Қурбоновага

мурожаат қилди. У илгарлари ҳам шундай иш қилганим-йўқми, бизга қоронғу, лекин мўймайна пул ишлаб қилиш кези келганлигини сезиб, фирибгарлик йўлига ўтди. Ўз хизматлари учун 160 минг сўм пул талаб қилди. Меҳрибон она олиб-югуриб бу маблағни янги таниши

қўлига тутқазди. Кимё ўқитувчиси-нинг фирибгарлиғи онанинг нуридийдаси ўқийга кира олмаганидан кейин очилди. Феруза Қурбонова пулни эгасига қайтариб беришдан анча фурсат бош тортиб юрди. Ҳозир прокуратура фирибгар ўқитувчи устидан жиноий иш кўзғатди.

Абдулазиз ИСЛОМОВ, Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг инспектори.

Утерьянй аттестат о деса-титлетнем обра-зовании рег. № Г 250317, выданный в 1983 г. школой № 121 в г. Ташкенте Куйбышевского района на имя Мухаммадэва Пулата Разумовича. СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

«Тошкент ҳақиқати» тахририят жамоаси газета ходими Кумуш Эгамбердиевага акиси Хамидулла САЛОМУЛЛАЕВНИНГ бевақ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Тошкент ҳақиқати» тахририят жамоаси газета ходими Зилола Салимовага отаси Фрунзе САЛИМОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

• Эълон ва билдирув-лардаги фект ҳамда да-лиллаларнинг тўғрлиғи учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-58-85,
136-53-54.

Матбуотнинг
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер марказида
терияда ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.